



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги 2021 йил “ 16 ” июлда ги  
-сон буйруғининг 1-илоvasи

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ**  
**СТАНДАРТЛАРИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ**  
**Асосий қоидалар**

**Мундарижа**

**Кириш**

1. Қўлланиш соҳалари
2. Норматив ҳаволалар
3. Таърифлар
4. Олий таълимни стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар тоифалари ва турлари
5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар
6. Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари
7. Ўқув юкламасининг ҳажми
8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

**Кириш**

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” 1998 йил 5 январдаги 5-сон, “Олий таълим

муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон, “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 287-сон, “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорлари ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **1. Қўлланиш соҳалари**

«Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар» (кейинги ўринларда ОТ ДТС деб аталади):

кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

таълим оловчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

ўқув юкламасининг ҳажмини;

таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари ҳамда механизмини белгилайди.

ОТ ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ОТ ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсунуш ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун мансуб ва мажбурийдир.

ОТ ДТСга мамлакат ижтимоий - иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

## **2. Норматив ҳаволалар**

Oz DSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар;

ЎЗРСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Амал қилинадиган ҳужжатларни ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;

Oz DSt 1.9-1995. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК 2011, ТХСК-С 2013). UNESCO, 2011-2013 йй.

### 3. Таърифлар

Мазкур стандартда куйидаги атамалар қўлланилади:

**олий таълим** — узлуксиз таълимнинг олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган, юқори малакали мутахассислар тайёрловчи икки босқичдан иборат (бакалавриат ва магистратура) мустақил тури;

**бакалавриат** — олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир;

**магистратура** — тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир;

**бакалавр, магистр** — олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;

**олий маълумот даражаси** — шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўқув режалари ва ўқув дастурларини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси;

**олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом)** — аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради;

**олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори** — олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;

**малака талаблари** — олий таълим тегишли босқичи битирувчисининг билим, уқув, кўникма ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар;

**ўқитишнинг меъёрий муддати** — таълим олувчилар томонидан ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

**ўқув фанлари блоки** — ўқув режаларида белгиланган фанлар мажмуалари, одатта “мажбурий фанлар” блоки ва “танлов фанлари” блокига ажратилади;

**ўқув режа** — олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги, соатлар ва кредитлардаги ҳажмини таълим даврининг тўлиқ меъёрий муддати учун белгилайдиган меъёрий-услубий ҳужжат;

**ўқув юклама** — ўқув дастурларни ўзлаштириш учун зарур бўлган академик соатлар ҳажми;

**ўқув фани** — таълим жараёнида муаян таълим йўналиши ва мутахассисликлар бўйича ўзлаштирилиши зарур бўлган тегишли илмий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий соҳалардан саралаб олинган билим, уқув ва кўникмалар тизими;

**ўқув йили** — олий таълим муассасасида бир таълим курсини яқунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2020/2021 ўқув йили;

**ўқув семестри** — олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми. Айрим ҳолларда ўқув семестри ўқув йилининг учдан бир қисмини ташкил этиши мумкин;

**ўқув дастури** — таълим мазмунини белгиловчи ўқув фанининг асосий мавзулари, мазмуни, ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган меъёрий-услубий ҳужжат;

**малака амалиёти** — ўқув жараёнининг назарий билимларини мустақкамлаш, амалий кўникма ва уқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва ўқув дастурларнинг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми;

**якуний давлат аттестацияси** — бакалавр ёки магистр академик даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим ўқув режа ва ўқув дастурларининг ўзлаштириш даражаси ҳамда сифатини баҳолаш жараёни;

**ўқитиш сифатини назорат қилиш** — таълим олувчининг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

**таълим дастури** — олий таълим давлат таълим стандартлари ва миллий малакалар рамкасига мувофиқ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, ўқув режа, ўқув дастурлари ва тегишли методик кўрсатмалардан иборат меъёрий-услубий ҳужжатлар мажмуаси;

**таълим сифатини назорат қилиш** — ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

**олий таълим муассасаси аттестацияси** — давлат таълим стандартларига мувофиқ олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш ва кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли;

**олий таълим муассасаси аккредитацияси** — олий таълим муассасаси фаолияти даражасини олий таълим давлат таълим стандартларининг мезон ва талабларига жавоб бериши ҳамда битирувчилар олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни бериш ҳуқуқининг давлат томонидан эътироф этилиши;



**тажриба орттириш (ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот муассасасида, хорижда тажриба орттириш)** — магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш мақсадида таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрларни энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуқлар ҳамда иқтисод, фан, муҳофаза, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидаги замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот олиб бориши.

#### **4. Олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатлар тоифалари ва турлари**

##### **4.1. Стандартлар тоифалари.**

Олий таълим стандартлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

— Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;

— Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.

Мазкур стандартлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

##### **4.2. Меъёрий-услубий ҳужжатлар турлари.**

Қуйидагилар олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатлари ҳисобланади:

- бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари;

- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим муассасаларининг муайян иш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар.

Бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг:

малака талаблари олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан;

ўқув режалари ва ўқув дастурлари олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

##### **4.3. Меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.**

Олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатлари “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” ва Oz DSt 1.0:1998, ЎзРСТ 1.8-94, Oz DSt 1.9-1995 стандартларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

#### **5. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **5.1. Бакалавриат.**

Олий таълим бакалавриат йўналишларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус таълим билан узвийлик ва

стандартлари, бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув режалар таркибига ўзлаштирилиши мажбурий бўлган фанлар (мажбурий фанлар) блоки ва танлаб ўзлаштириладиган фанлар (танлов фанлари) блоки киради.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда тегишли соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ўқув режаларидаги блоклар таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва ўқув дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир канча мавзулар, масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналишларининг таълим жараёни ўқув режаларига мувофиқ якуний давлат аттестацияси билан тугалланади.

Ўқув режалар ва ўқув дастурлар кредит-модуль тизими ҳамда рейтинг (баҳолаш) тизими асосида ишлаб чиқилади.

Рейтинг тизими асосида ишлаб чиқилган амалдаги ўқув режалар ва ўқув дастурлар тўлиқ ўзлаштирилгунига қадар ўз кучида қолади.

5.1.1. Ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

**Мажбурий фанлар блоки** фанларни чуқур ўзлаштирилишини тақозо этади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини бойитиш, таълим йўналиши ва соҳага оид зарур фундаментал билимлар, касбий кўникма, ўқув ва компетенцияларни шакллантириши, битирувчига танланган йўналиш ва мутахассислик бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш ҳамда муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

**Танлов фанлари блоки** бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчилар қўшимча чуқур назарий ва амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштирилишини, инновацион усуллар ва соҳанинг ҳудудий омилларини ҳисобга олган ҳолда касбий компетенциялари кенгайишини таъминлаши, таълим траекторияларига мувофиқ касбий билим ва малакаларни ўзлаштиришга имкон яратиши лозим.

5.1.2. Бакалавриат таълим йўналишлари малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.

Таълим олувчилар касбий кўникмаларни мукамал эгаллаши учун ўқув режалар ва муайян фанларнинг ўқув дастурларида ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) малака амалиётлари назарда тутилиши шарт.

Амалиётлар бакалавриат таълим жараёнининг мажбурий қисми бўлиб, талабаларнинг касбий тайёргарлиги, амалий кўникмалари ва компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилади. Бакалаврлар тайёрлашда қуйидаги малака амалиётлари ўтказилади:

**ўқув-танишув амалиёти** – иқтисодиёт тармоқлари, тегишли ташкилот, муассаса ва корхоналар билан таништириш, табиий-илмий ва

умумкасбий фанлар бўйича назарий билимларини мустаҳкамлашга қаратилади;

**ишлаб чиқариш амалиёти** – умумкасбий ва ихтисослик фанларидан назарий билимларни мустаҳкамлаш ва амалий (ишлаб чиқариш) жараёнлари билан уйғунлаштириш, тегишли амалий кўникмалар, компетенциялар ва малакаларни шакллантиришга қаратилади;

**битирув олди амалиёти** – ишлаб чиқаришда (тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларида) касбий кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, битирув малакавий ишни тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга қаратилади;

**педагогик амалиёт** – касб таълими йўналишлари учун қўлланилади ва педагогик маҳоратини оширишга қаратилади.

Ҳар бир амалиёт тури ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва реал секторнинг тегишли илғор корхона, ташкилот ва муассасалари, хорижий ва қўшма корхоналар, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқаларда ўтказилади.

Амалиётларни ташкил қилиш, ўтказиш ва талабаларни баҳолаш мезонларини белгилаш олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

## 5.2. Магистратура.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади.

Олий таълим магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари бакалаврият таълим йўналишларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари билан узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаган ҳолда олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув режалар таркибига ўзлаштирилиши мажбурий бўлган фанлар (мажбурий фанлар) блоки, танлаб ўзлаштириладиган фанлар (танлов фанлари) блоки ва илмий фаолият блоки киради.

Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда тегишли соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ўқув режаларидаги блоklar таркиби ўзгартирилиши мумкин.

Таълим оловчилар ўқув режалар ва ўқув дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча мавзулари, масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув жараёни ўқув режаларига мувофиқ якуний давлат аттестацияси (магистрлик диссертациясини ёқлаш) билан тугалланади.

5.2.1. Ўқув режанинг ўқув фанлари блоklари мазмунига қўйиладиган минимал талаблар.

**Мажбурий фанлар блоки** илмий тадқиқот методологияси, илмий изланиш ва таҳлил, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, махсус фанларни ўқитиш методикаси, педагогик технологиялар, таълимнинг замонавий усуллари, мутахассисликка доир долзарб ва чуқур илмий, методологик, илмий-техник, технологик билим, уқув, кўникма ва компетенцияларни таълим олувчиларда шакллантириши ҳамда муайян докторантура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

**Танлов фанлари блоки** мутахассислик бўйича таълим олувчилар кўшимча чуқур назарий ва амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини, инновацион усуллар ва соҳанинг худудий омилларини ҳисобга олган ҳолда илмий, педагогик ва касбий компетенцияларини кенгайтиришни таъминлаши, таълим траекторияларига мувофиқ магистр даражасидаги касбий билим ва малакаларни ўзлаштиришга имкон яратиши лозим.

**Илмий фаолият блоки** илмий-тадқиқотлар назарияси ва амалиёти ўзлаштирилишини, таълим олувчилар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим. Бунда:

**илмий-тадқиқот амалиёти** таълим олувчилар мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши, илмий-тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва ақс эттириш, замонавий ахборот базаларини қўллаш, илмий мақолалар ва магистрлик диссертациясини тайёрлашга доир билим, уқув ва кўникмаларни шакллантириши лозим;

**илмий-педагогик амалиёти** замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларида фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши, ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этишга доир компетенция ва кўникмаларни ҳосил қилиши лозим.

Илмий-тадқиқот амалиёти тақозо этганда яқка тартибда илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида тажриба орттириш жараёни ташкил этилади. Бунда тажриба орттириш жараёнига йўлланган таълим олувчи ўқув жараёни жадвалини яқка тартибдаги иш режаси асосида бажариши кўзда тутилади.

**Тажриба орттириш** таълим олувчиларнинг илмий-тадқиқот олиб бориши, назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш, муайян соҳа ва тармоқдаги замонавий техника ва технологиялар билан танишиши, амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини шаклланиши, касбга самарали мослашувини таъминлаши лозим.

5.3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалар таълим даврининг тўлиқ меъёрий муддати учун (биринчи курсдан якуний курсгача) ишлаб чиқилади ва ўқув жараёнида уларга ўзгартириш киритиш, уларни бекор қилиш, ўрнига бошқа ўқув режа ишлаб чиқиш татбиқ этишга йўл қўйилмайди.



## **6. Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талабларининг асосий қоидалари**

6.1. Олий таълим муассасалари битирувчилари тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган талаблар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларида баён этилади.

“Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси” (ТХСК 2011)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида бакалаврият 6-малака даражасига, магистратура 7-малака даражасига мансубдир.

**Бакалаврнинг** тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талаблари таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил самарали меҳнат фаолиятини юритишини таъминлаши ҳамда тегишли мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттириш имконини бериши лозим.

**Магистрнинг** тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган малака талаблари мутахассислик бўйича магистр академик даражали шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти билан самарали шуғулланишини таъминлаши, тегишли мутахассислик бўйича олий таълимдан кейинги таълимда (таянч докторантура, мустақил изланувчи) таҳсил олиш имконини бериши лозим.

6.2. Бакалавр ва магистрларни тайёрлаш олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастури асосида кундузги, кечки (сменали), сиртқи (махсус сиртқи) ва зарур ҳолларда масофавий таълим шаклларида амалга оширилади. Таълим жараёни кредит-модуль тизими ва рейтинг (баҳолаш) тизими асосида амалга оширилиши мумкин.

Бакалаврият ва магистратура таълим шаклларида оид ўқишнинг меъёрий муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ҳамда олий таълим давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларида қайд этилади.

Ўқув дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган бакалаврият таълим олувчиларига «бакалавр» академик даражаси, магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган магистратура таълим олувчиларига «магистр» академик даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар берилади.

Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурлар (“Double degree”) асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда таълим жараёни давлат таълим стандартларига таянган ҳолда маҳаллий ёки маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари ўртасида тузилган келишув (шартнома)да белгиланган талаблар асосида тузиладиган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режа ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиги битирувчиларининг таълимни давом эттириш имкониятлари:

бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга. Муаян бакалавриат йўналишлари учун ўқишни давом эттириш бўйича магистратура мутахассисликларининг рўйхатини олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи белгилайди;

магистратура мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот фаолиятини белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

## 7. Ўқув юкларининг ҳажми

### 7.1. Бакалавриат.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг ҳажми ҳафтасига:

кредит-модуль тизими асосида таълим жараёни амалга оширилаётганда 24-32 соат оралиғида;

рейтинг (баҳолаш) тизими асосида таълим жараёни амалга оширилаётганда 22-36 соат оралиғида белгиланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки) ўқиш шакли учун бир ҳафтада одатда беш кун, аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 20 соат қилиб белгиланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (сиртки, махсус сиртки) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг ҳажми ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шаклининг камида 30% этиб белгиланади.

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича тақсимланади:

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича белгиланганда	Ҳафталар сони	Кредитлар миқдори	Академик соатлар миқдори
3 йил	152	180	5400
4 йил	204	240	7200
5 йил	256	300	9000
6 йил	308	360	10800

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқув даврлари	Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида	Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида
Назарий ва амалий таълим	40 - 60	50 - 70
<i>Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>	<i>40/60 фоиз нисбатидан 50/50 фоиз нисбатигача</i>	
Аттестация	6 - 11	8 - 10
Таътил	8 - 18	10 - 16
Малака амалиёти	8 - 25	6 - 12
Битирув малакавий иши*	2 - 7	2 - 3

\*Битирув малакавий иши таркибига уни ҳимоя қилиш бўйича Давлат аттестациялари ҳам қиради.

Барча таълим соҳалари учун назарий ва амалий таълим ҳажмининг камида 85% умумқасбий ва ихтисослик (махсус) фанларидан ташкил топган мужбурий ва танлов фанлари блокларидан иборат бўлиши лозим.

Ўқув режаларидаги мажбурий ва танлов фанлари блокларининг ҳажмини таълим йўналишининг ўзига ҳос ҳусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув режани ишлаб чиқарувчи олий таълим муассасаси белгилайди.

Бакалаврият таълим йўналишлари таълим олувчиларининг малака амалиётини ўташ тартиби ва битирув малакавий ишини бажариш тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи томонидан белгиланади.

Кредит тизими халқаро тамойилларига асосланиб фанлар каталогини тизимлаштириш ва мукбуллаштириш мақсадида ўқув режаларда кредитлар курс ва семестрлар бўйича тақсимотини қуйидагича белгилаш мақсадга мувофиқ:

Ўқув фанига ажратилган соат*	Фаннинг 1 ва 2 семестр давомида ўтилишига қараб ажратиладиган кредитлар	
	1-семестр	2-семестр
120	4	-
180	6	-
240	4	4
300	4	6
360	6	6

\*Тақсимот магистратурага ҳам тааллуқли.

## 7.2. Магистратура.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкмасининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулоти ва илмий фаолиятнинг энг юкори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича тақсимланади:

Ўқишнинг меъёрий муддати қуйидагича белгиланганда	Ҳафталар сони	Кредитлар миқдори	Академик соатлар миқдори
1 йил	50	60	1800
2 йил	100	120	3600
3 йил	152	180	5400

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Ўқиш даврининг таркибий қисмлари	Соғлиқни сақлаш таълим соҳасидан ташқари барча таълим соҳалари учун, % ҳисобида	Соғлиқни сақлаш таълим соҳаси учун, % ҳисобида	
		Даволаш фаолияти билан туташган мутахассисликлар	Даволаш фаолияти билан туташ бўлмаган мутахассисликлар
Назарий ва амалий таълим	35 - 55	45 - 55	30 - 40
<i>Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>		<i>30/70 фоиз нисбатидан 40/60 фоиз нисбатигача</i>	
Аттестация	4 - 9	4 - 7	4 - 7
Таътилар	6 - 16	10 - 16	10 - 16
Илмий фаолият	45 - 55	30 - 40	45 - 55

Илмий фаолият магистратура таълим олувчиларининг яқка тартибдаги тақвимий иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

- илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 60-75%;

- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25-40%.

Барча таълим соҳалари учун назарий ва амалий таълим ҳажмининг камида 95% умумметодологик ва мутахассислик фанларидан ташкил топган мужбурий ва танлов фанлари блокларидан иборат бўлиши лозим.

Магистратура мутахассисликлари талабаларининг илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш тартиби ва малака амалиёти (тажриба орттириш)ни ўташ тартиби олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

## **8. Кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш**

8.1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига қўйиладиган умумий талаблар.

**Бакалавриат** ўқув режаси ва ўқув дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассислар), фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD), доцентлар, фан доктори (DSc) ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши лозим.

**Магистратура** ўқув режаси ва ўқув дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича фан номзодлари, фалсафа доктори (PhD), доцентлар, фан доктори (DSc) ва профессорлар, шунингдек илмий унвонга ёки даражага, давлат унвонига эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши лозим.

8.2. Олий таълим муассасалари моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар.

Бакалавр ва магистр тайёрлашнинг Давлат таълим стандарни, Малака талаби, ўқув режалари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи ОТМ таълим жараёнида назарда тутилган маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотларини амалга оширишга мўлжалланган, мебель, махсус жиҳозлар, ахборот технологиялари ва асбоб-ускуналари билан таъминланган ўқув хоналари, шунингдек, курс иши (лойиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун мўлжалланган санитария-гигиена, ёнғинга қарши коидалар ва белгиланган меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига ҳамда босма ва электрон ўқув ва илмий адабиётлар, ўқув-услубий материаллар билан белгиланган тартибда эга бўлиши керак.

8.3. Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

**ички назорат** олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан тегишли равишда белгиланган рейтинг (баҳолаш) тизими ҳамда кредит-модуль тизими мезонларга мувофиқ ўрнатилган тартибда ўтказилади;

**битирувчиларнинг якуний назорати** олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларига мувофиқ: бакалавриатда ўқув фанлари бўйича якуний давлат аттестацияси ва (ёки) битирув малакавий иши



химояси, шунингдек магистратурада магистрлик диссертацисининг химояси шаклида амалга оширилади;

**давлат-жамоатчилик назорати** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқарув органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

**ташқи назорат** белгиланган тартибда олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

8.2. Олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва тегишли қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

## **9. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Малака талабларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби**

9.1. Малака талабларининг асосий мақсади ва вазифаси – Миллий малака рамкаси, Касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, олий таълим бакалаврият ва магистратура битирувчиларининг билим, уқув, кўникма ва компетенцияларига қўйиладиган талабларни белгилаш.

9.2. Малака талабларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига татбиқ этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Малака талаблари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ҳар бири бўйича “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Миллий малака рамкаси, Касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

- Малака талаблари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

**Зарварақ** (титул варағи)да Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги номи, ўрта қисмида таълим йўналиши ёки мутахассислик номи кўрсатилади;

Зарварақ **сиртида** Малака талаблари ким томонидан ишлаб чиқилгани ва киритилганлиги, ким толмондан тасдиқлангани ва жорий этилгани ҳамда ҳужжат мақоми кўрсатилади;

**Мундарижада** Малака талабларининг асосий боблари кўрсатилади;

**Таълим йўналиши ёки мутахассислигининг умумий тавсифи** бобида Малака талабининг қўлланиш соҳаси, асосий фойдаланувчилари, касбий фаолиятларининг тавсифи, бакалавр ёки магистр касбий фаолиятининг соҳалари, объектлари, турлари ҳамда касбий вазифалари келтирилади;

**Таълим йўналишлари бўйича бакалаврнинг ёки мутахассислиги бўйича магистрнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар** бобда бакалаврият ёки магистратура битирувчиси эга бўлиши зарур бўлган умумий компетенциялар ҳамда касбий компетенциялар аниқ кўрсатилади;

**Библиографик маълумотлар** белгиланган тартибда келтирилади;

**Келишув варағида** Малака талабини ишлаб чиққан таянч олий таълим муассасаси ректори имзоси ҳамда уни келишув жараёнидан ўтказган олий таълим муассасалари ва ташкилотлар раҳбарларининг имзолари қўйилади.

• Малака талаблари:

А-4 форматли стандарт варақларининг “китоб” кўринишида икки тарафига “Times New Roman” шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади;

• Малака талаблари таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда тайёрланади, Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасидан ўтказилади ҳамда ушбу кенгаш ижобий ҳулосаси олинган Ҷўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади;

• тасдиқланган Малака талаблари белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ҷўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида эталон сифатида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади ва ундан нусқалар кўчирилиб талабномалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига тарқатилади.

## **10. Ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби**

10.1. Ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби.

10.1.1. Ўқув режаларнинг асосий мақсади ва вазифаси:

• ўқув режанинг асосий мақсади – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрларнинг малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ етук ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун муайян бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига оид ўқув фанлар, уларнинг ҳажми, машғулотлар турлари, ўқув жараёнининг мазмуни, таркиби, муддатлари ва ўқитишнинг мантикий кетма-кетлигини белгилаш ҳамда тартибга солиш;

• ўқув режанинг асосий вазифаси – муайян бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича таълим жараёни давомида ўқув фанларини семестрлар ва ўқув йиллар таркибида таълим олувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишини таъминловчи мантикий кетма-кетликда мақбул ҳолатга келтириш, ўқув фаолияти даври, турлари, соатлар ҳажми, кредитлар ҳамда якуний назорат муддатларини белгилаш.

10.1.2. Ўқув режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўқув режалар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ҳар бири бўйича “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади;

- ўқув режалар таълим йўналишлари ва мутахассисликларга оид мажбурий ва танлов фанлари белгиланган ҳолда, уларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, аудитория (маъруза, амалий, семинар, лаборатория ва бошқа машғулотлар) ва мустақил машғулотлар, ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) амалиётлари, курс лойиҳаси, курс иши, ижодий ва бошқа ўқув вазифалари шаклида мантикий кетма-кетликда уларга ажратилган вақт меъёрларига амал қилган тартибда шакллантирилади;

- ўқув режалар: рейтинг тизими учун жадвал шаклида А-4 форматли стандарт варақларининг “китоб” кўринишида икки тарафига “Times New Roman” шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади;

- кредит-модуль тизими учун жадвал шаклида А-4 форматли стандарт варақларининг “альбом” кўринишида бир тарафига “Times New Roman” шрифтининг мақбул ўлчамида бостириб чиқарилади ва бирлаштириб тикилади;

зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган тартибда ўқув режалар бошқа шаклда ишлаб чиқилишига йўл қўйилади;

- ўқув режалар олий таълим муассасалари томонидан тайёрланади ва тасдиқланади;

- тасдиқланган ўқув режалар белгиланган тартибда икки нусхада расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида, бир нусхаси тегишли олий таълим муассасасида сақланади;

- зарур ҳолларда олий таълим муассасалари томонидан ўқув режаларга қўшимча равишда факультатив, махсус курс ва бошқа турдаги машғулотлар киритилиши мумкин;

- ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режалар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) таълим шаклининг таянч ўқув режалари ҳисобланади. Булар асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки (сменали), сиртки (махсус сиртки), масофавий) таълим шакллари учун белгиланган тартибда ишчи ўқув режалар ишлаб чиқилади ва тегишли олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

10.2. Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тadbик этиш тартиби.

10.2.1. Ўқув дастурларининг асосий мақсади ва вазифаси:



- Ўқув дастурининг асосий мақсади – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрнинг билими, уқуви, кўникма ва компетенцияларига қўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян фан томонидан рақобатбардош мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва компетенциялар мажмуини белгилаш, фан мазмуни ва таркибий қисмларини тартибга солишдир;

- Ўқув дастурининг асосий вазифалари:

- ўқув фанига оид илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотлар мавзуларини шакллантириш, таълим шакли ва ўқув фанга ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва ўқув машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш, мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, уларнинг мантикий кетма-кетлигини ҳамда бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлаш;

- узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлигини, шунингдек, фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини таъминлаш;

- фанни ўзлаштириш, таълим олувчиларда фанга оид компетенцияларни, касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услугий шартлар, ўқув адабиётлар, дидактик материалларни ҳамда баҳолаш воситалари ва усуллари ёрдамида таълим олувчилар билимини назорат қилиш шакллариини белгилаш.

10.2.2. Ўқув дастурда ўқув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш (клиник, ижодий ва бошқа) амалиётлари шаклида мантикий кетма-кетликликда белгиланади, шунингдек, ўқув фанининг мақсади ва вазифасига мувофиқ курс лойиҳаси, курс иши, мустақил иш, чизма-ҳисоб, ижодий, лаборатория ва бошқа ишлар ажратилган вақт меъёрларига мувофиқ ўқув дастурга киритилади.

10.2.3. Ўқув дастури қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

- муқовада олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи номи, олий таълим муассасаси номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиши (мутахассислик)ларининг коди ва номлари, ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади;

- ўқув дастурининг биринчи бетида унинг асосий параметрлари (фан коди, қайси ўқув йилидан жорий этилганлиги, семестр, фанга ажратилган кредитлар (соатлар), фан тури (мажбурий/танлов), таълим тили, ҳафтадаги дарс соатлари, фаннинг номи, аудитория ва мустақил машғулотлар ҳажми, жами юклама жадвал шаклида белгиланади;

- “Фанинг мазмуни”. Бунда ўқув фанининг мақсади ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади;

- “Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)”. Ўқув фанининг мавзулари мантикий кетма-кетликда келтирилади, ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва қисқа ифодалар орқали таълим олувчиларга давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар қамраб олинган ҳолда ифодалаб берилади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин;

- “Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар”. Ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари, ушбу машғулотларни ўтказиш шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, усуллар, воситалар зарур ҳолларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар, лаборатория ишларининг мазмуни, мақсади ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилади. Мувофиқ равишда курс лойиҳаси ва курс ишлари, ижодий ишлар моҳияти, мазмуни, мақсади, мавзулари уларни бажариш шакллари ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилади. Шунингдек, ушбу қисмда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг мақсади, вазифаси, шакли, мазмуни, амалиёт жараёнида таълим олувчилар томонидан тайёрланиши зарур бўлган яқуний ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар берилади;

- “Мустақил таълим ва мустақил машғулотлар” қисмида мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар, мустақил машғулотлар жараёнида таълим олувчилар томонидан тайёрланиши зарур бўлган ишлар реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқалар келтирилади;

- “Фанни ўқитиш натижалари ва шаклландирган касбий компетенциялар”. Мазкур қисмда таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофиқ муайян фан бўйича таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва компетенциялар баён қилинади;

- “Талабалар кредитларни тўплаши тартиби”. Кредит-модуль тизимида фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш (баҳолаш) ва кредитларни тўплаш амалиёти ўрнатилган тартибда белгиланади;

- “Талабалар рейтингини белгилаш тартиби”. Рейтинг тизимида фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш (баҳолаш) амалиёти ўрнатилган тартибда белгиланади;

- “Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари”. Ўқув фанига оид асосий дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётлар, Интернет ресурслари, диссертация, монография ҳамда бошқа тавсия этилган ўқув, илмий ва услубий маълумотлар манбаалари келтирилади;

- ўқув дастурнинг охири бетида уни ишлаб чиққан олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва



унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, ўқув дастур кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баёнининг рақами келтирилади.

10.2.4. Ўқув дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига жорий этиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўқув дастурлар ўқув режаларда белгиланган ҳар бир ўқув фани бўйича “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларига мувофиқ давлат олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда ўқув режалардаги тегишли гуманитар фанлар (Фалсафа) таркибига “Диншунослик” ҳамда “Коррупцияга қарши кураш” мавзулар мажмуаси (модуллар)ни киритиш тавсия этилади. Мазкур фанлар ўқув дастурларини тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ;

- ўқув дастурлар таълим йўналишлари ва мутахассисликлар мақсади, вазифаси, мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, фан мавзулари ва мазмунини белгиланган тартибда мантикий кетма-кетликликда, ўқув фанига ажратилган вақт меъёрига амал қилган ҳолда шакллантирилади. Ўқув дастурлар мазкур стандартда белгиланган талабларга жавоб берган ҳолда Силлабус шаклида ҳам ишлаб чиқилиши мумкин;

- ўқув дастурнинг матни А-4 форматли стандарт варақларда, “Times New Roman” шрифтининг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва ўнг томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида хошияланган, бетларини рақамланиши варақнинг пастки қисмининг марказида жойлаштирилган ҳолатда бостириб чиқарилади;

ўқув дастурлари тасдиқланганидан сўнг А-5 форматида брошюра шаклида чиқарилади;

- олий таълим муассасалари томонидан тайёрланган ўқув дастурлар олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режаларга мувофиқлиги ҳамда сифати нуктаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази томонидан танлаб мониторинг ва таҳлил қилинади. Мониторинг ва таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига олиб чиқилади ва уларга баҳо берилади;

- тасдиқланган ўқув дастурлар белгиланган тартибда икки нусxada расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш

тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида, бир нусхаси тегишли олий таълим муассасасида сақланади;

- ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув дастурлар (силлабуслар) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) таълим шаклининг таянч ўқув дастурлари ҳисобланади. Булар асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (кечки (сменали), сиртқи (махсус сиртқи), масофавий) таълим шакллари учун белгиланган тартибда ишчи ўқув дастурлар ишлаб чиқилади ва тегишли олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланади.